*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
16 февраль
ЧОРШАНБА

№ 14
(12.338)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

**ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ**



## БАХТНИНГ ЯНГИ ОСТОНАСИ

**Эндигина қуриб битказилиб, халқ учун илк эшик очган янги Бахт уйида биринчи бўлиб никоҳдан ўтиш янги қурилаётган ҳар қандай ёш оила учун унутилмас воқеа бўлиши шубҳасиз. Ғазалкент шаҳрида яшовчи Нуржон Бозорбоев ва Асияхон Бекпўлатова шундай имконият насиб этган бахтли оила бўлишди.**

Бўстонлиқ тумани ФҲДЁ бўлими ва давлат нотариал идораси янги биносининг очилиш маросими туман халқи учун ҳам ҳақиқий байрамга айланди. Рамзий алвон тасма кесилиб, жамоага бинонинг рамзий калити топширилди. Шаҳар ҳуснига кўрк бағишлаб турган янги бино шундайгина Ғазалкент шаҳрига кираверишда қурилгани боис меҳмонлар эътиборини жалб этиб, шаҳар ва туман ҳақида илк илиқ таассурот туғилиши учун замин яратади.

Очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқиб, ФҲДЁ ва нотариал идора ходимларининг фаолиятларига муваффақият тилади. Бу бино фуқароларимизнинг фақат яхши кунлари – никоҳ ва туғилишни қайд этиш учун хизмат қилишига умид билдирди.

Архитектура ва замонавий дизайннинг сўнгги талаблари асосида қурилиб, жиҳозланган бинода фуқароларга ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш учун барча зарур шароитлар муҳайё.

Нуржон ва Асияхон жуфтлигининг қонуний никоҳини қайд этиш маросими ниҳоясига етгач, барча йиғилганлар гувоҳлигида Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги фуқароси – янги туғилган чақалоқ Диёр Эрматовни рўйхатга олиш маросими ўтказилди.

– Янги чақалоқ хонадонга бахт ва янги ризқ олиб келади, деган ақида бор, – дейди чақалоқнинг бахтли онаси Мафтунахон. – Диёржоннинг қадами янги ФҲДЁ учун ҳам қутлуғ бўлишига ишонгим келади.



**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** янги бинонинг очилиш маросимидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Рустам Холматов бошқарди.**

Сессия кун тартибидан ўрин олган биринчи масала – вилоятда қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида вилоят прокурори М. Қиёмовнинг ахбороти тингланди.

Ахборотда иқтисодиёт соҳасида қонунийликни таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги текширишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбари О. Назаров иқтисодий ночор, паст рентабелли, фаолият кўрсатмайдиган ва паст қувватларда ишлаётган, аввал хусусийлаштирилган корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган дастурнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот берди. Унда маълум қилинишича, вилоятдаги 13 корхона маълум иқтисодий ва ташкилий муаммолар сабабли маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириб, дастур режаларини бажармай келмоқда. Хусусан, "Идеал инвест мебель" МЧЖ ва "Лаззат" ҚК ОАЖ корхоналари узоқ йиллардан буён фаолият юритмай, вилоят иқтисодиётини орқага тортмоқда.

Сессия кун тартибидаги кейинги масала – 2010-2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи билан қамраб олиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасидаги ишлар ҳақида вилоят халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари раҳбарлари А. Азаматов ва Р. Бобоқулов ахборотлари тингланди.

Сессия ишида республика Президентининг "2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан амалга ошириладиган вазифалар ҳамда вилоят футболининг бугунги кундаги аҳволи муҳокама этилди. Депутатлар эътибори вилоятда футболни ривожлантириш ва жойларда спорт иншоотларини жиҳозлашдаги муаммо ва камчиликларга қаратилди.

Шунингдек, сессияда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши бир қатор депутатларининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш ва бўшаб қолган сайлов округларида сайлов ўтказиш масалалари муҳокама этилди.

Сессия ишида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Халқ депутатлари*
*Тошкент вилояти Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА БЎШАБ ҚОЛГАН САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисида"ги Қонунининг 44-моддасига асосан:**

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига 35-Олимкент, 55-Барданкўл, 59-Гулбаҳор сайлов округларида сайлов 2011 йилнинг 13 март куни ўтказилсин.

2. Вилоят сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайловлар ўтказишни Қонун доирасида амалга ошириш топширилсин.

**Кенгаш раиси Р. ХОЛМАТОВ.**

Тошкент шаҳри 2011 йил 11 февраль.

**2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ**

## МИКРОКРЕДИТБАНК ХИЗМАТИНГИЗДА

**Бўстонлиқ ва Бекобод туманларида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирлардан яна бири, Микрокредитбанкнинг тадбиркор ва ҳунарманд аёлларга кўрсатаётган микромолиявий хизматларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

Тадбирда республика Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳукумат томонидан яратилаётган қулайликлар, имтиёзлар, кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида сўз борди. Шунингдек, коллеж битирувчиларининг эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида бўлган ёшларга бошланғич микросармоя ажратиш бўйича сертификатлар топширилди.

Семинар ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Саида ЭШМАТОВА.**

**МУНОСАБАТ**

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ

### Президентимиз илгари сурган концепциянинг пировард мақсадидир

Бугун мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Уларнинг изчиллигини таъминлаш, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги ролини кучайтириш мамлакатда қонун устуворлигига эришишда жуда муҳим. Амалдаги қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, жамиятдаги камчилик ва нуқсонларни ҳамжиҳатликда бартараф этишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти беқиёс. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сургани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Дарҳақиқат, бугун сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият ҳаётининг бир бўлаги бўлиб шаклланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлар таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, ҳуқуқий йўналишларда аҳолининг муайян қисми манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаётир. Дейлик, "Камолот" ЁИҲ, "Келажак овози" сингари ташкилотлар ёшларимизнинг, хотин-қизлар қўмиталари, "Аёллар кенгаши", "Тадбиркор аёл" сингари жамоат бирлашмалари эса аёлларимизнинг суянчи, таянчига айланган. Бунда Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимларидан иборат Парламент комиссиясининг ташкил этилиши ҳам эътиборга сазовор. Фонд тузилганидан бери – қарийб уч йил давомида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 11 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари ажратилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 5000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баравар кўпайгани, маҳаллалар 10 мингдан ортгани соҳа қонунчилигини такомиллаштириш, уни бугунги ислоҳотлар билан узвий ривожлантириш зарурлигини кўрсатаётир.

Гап шундаки, Концепцияда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Бу миллий давлатчилигимиз ва жамиятимизнинг янада ривожланишида янги босқични бошлаб берди.

(Давоми 2-бетда).

**ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА!**

***Футболсеварлар яхши билишадики, Қорасув қишлоғидан ўтиб, Тўйтепа шаҳрига яқинлашишда, катта йўлнинг сўл томонида катта ўйингоҳ бор. Шарқона меъморий услубдаги арк пештоқига катта, чиройли ҳарфлар билан "Марказий ўйингоҳ" сўзи битилган текис, ям-яшил майдон, унинг атрофида саф тортган қатор қўшимча бинолар, спортчиларнинг кийиниш, ювиниш хоналари, минглаб футбол ишқибозларига мўлжалланган ораста ўриндиқлар яқин-яқингача шу томондан ўтадиган йўловчиларнинг кўзларини қувонтириб, ҳавасларини уйғотарди. Бу ўйингоҳ Ўртачирчиқ туманининг ғурури, фахри, таъбир жоиз бўлса, туман аҳлининг юзи эди. Нафақат туман ёки вилоят, балки республика миқёсидаги йирик футбол мусобақалари шу Марказий ўйингоҳда тез-тез ўтказиб туриларди. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти спорт-техник клубларининг ракета-модель бўйича республика мусобақалари ҳам шу ўйингоҳнинг яшил майдонида ўтказиларди. Бундай пайтда Марказий ўйингоҳ осмонини спортчилар қўли билан ясалган турли шакл ва катталикдаги учар ракета-моделлар тутиб кетарди.***

## СТАДИОНГА ҲЕЧ КИРГАНМИСИЗ?

Лекин Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида бир гап эшитдигу, қулоқларимизга ишонмай қолдик. Айтишларича, доимо эл оғзида бўлган шундай довруқли ўйингоҳ бугунги кунга келиб қаровсиз, эгасиз қолибди. Фақат ўйингоҳнинг олд томони йўловчилар кўзига ҳамон илгаридаги каби чиройли кўриниб турганини ҳисобга олмаса, ичкариси, яъни қўшимча хоналар, ўриндиқлар, бир пайтлар спортчилар билан гавжум бўлган тўгарак хоналари нураб, тўкилиб, ташландиқ ҳолга келиб қолибди. Бир сўз билан айтганда, сессия қатнашчилари бу спорт иншоотига "Усти ялтироқ, ичи қалтироқ" дея таъриф беришди.

"Наҳотки, шу рост бўлса?" деган савол бизга тинчлик бермай, ўйингоҳга бориб, ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўришга ундади. Ҳақиқатан ҳам ўйингоҳнинг олд томони илгаригидек сариштa қиёфада. Аммо, дарвоза ҳатлаб, ичкари киришимиз билан ҳафсаламиз пир бўлди. Ҳамон ям-яшил бўлиб турган футбол майдонини ҳисобга олмаганда, ўйингоҳнинг аввалги кўрку салобатидан асар ҳам қолмаган. Бир пайтлар спортчилар завқ-шавқ билан шуғулланишган турли тўгарак, кийиниш ва ювиниш хоналари деворларининг сувоқлари кўчиб тушиб, ғиштлари увалaниб ётибди. Бир аҳволга келиб қолган йўлаклар ҳам тўзиб, юришга қийналади киши.







**СУРАТЛАРДА:** дарвозасига гап йўқ, аммо ичкаридаги аҳвол...

(Давоми 4-бетда).

**10-20 ФЕВРАЛЬ – ХАЙР-ЭҲСОН ЎН КУНЛИГИ**

## ИНСОНИЙЛИК ЭНГ АВВАЛО...

**Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Миллий кенгашининг ташаббуси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг фармойишига биноан вилоятимизда 10-20 февраль кунларига белгиланган Хайр-эҳсон ўн кунлиги давом этмоқда.**

Тадбир аҳоли ўртасида меҳр-шафқат ва инсонпарварлик ғояларини, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, вилоятдаги кам таъминланган ва қўшимча ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга, табиий офат натижасида жабрланганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

Ўн кунлик шунингдек, вилоят "Тиббий ижтимоий ўқув маркази" ва Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган. Вилоят ҳокими фармойишида тадбир муносабати билан вилоятдаги барча бошқарма, корхона ва ташкилотлар жамоаси розилиги асосида бир кунлик иш ҳақларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳисобига ўтказишлари белгиланган. Ўн кунлик доирасида жойларда турли хайрия акциялари, театр томошалари, спорт ва концерт тадбирлари ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ХХI аср ва дунё

**Мисрни қарийб 30 йил бошқарган Ҳусни Муборак президентлик лавозимидан кетди. Вице-президент Умар Сулаймон давлат телевидениеси орқали шу ҳақда баён этди.**

## МУБОРАК КЕТДИ, ҲОКИМИЯТ ҲАРБИЙЛАРГА ЎТДИ

Унинг гапига қараганда, собиқ президент кетиши олдидан мамлакатни бошқаришни қуролли кучлар Олий кенгашига топширган.

Ҳокимият тепасига келган қуролли кучлар Олий кенгаши парламент тарқатилиши ва конституция амал қилиши тўхтатилишини маълум қилган эди. Шунингдек, ҳарбийлар сайловларга тайёргарлик кўриш муддатини олти ой қилиб белгиладилар ва мамлакатнинг асосий қонунини ишлаб чиқиш учун комиссия туздилар.

Ҳарбий қўмондонлик мамлакатда "бошбошдоқлик ва тартибсизлик" келтириб чиқарувчиларга қарши алоҳида огоҳлантириш чораларини кўрмоқчи. Шу билан бир вақтда ҳарбийлар худди аввалгидек, фуқароларнинг норозилик билдириш ҳуқуқларини ҳурмат қилишларини баён этдилар.

НИГОҲ

## АЖАЛ ВИРУСИ ИСКАНЖАСИДА

**Бир тўда гиёҳвандлар пойтахтдаги "Саховат" бозорини ошён қилишган. Улар эрталаб соат ўнларда доимий жойларини эгаллашган. Кўзлари нурсиз, мўлайган. Ёноқлари рангсиз, кийимлари бир аҳволда. Гапга лаб очишга мадорлари йўқ.**

Соя кетидан сурила-сурила, тўрт соатни ўтказишди. Улар қоронғи тушишини кутишаяпти. Ўшангача, эрталаб қабул қилишган "насиба"ларининг кучи тарқаб, арзонгина афғон героинидан навбатдаги "луқмалари"ни ютишади. Тўданинг энг "қариси" йигирмага ҳам чиқмаган.

Тожикистон кўчаларида бундай ўсмиру ёшлар кўп. Улар, одатда, "яшил ажал"ни эритиш учун битта қошиқ ва битта шприцдан умумий фойдаланишади. Ҳукумат статистикасининг расмий маълумотларига қараганда, ҳар тўрт гиёҳванднинг бири ОИВ инфекциясини юқтирган. Тожикистонда чет эллардаги каби мажбурий даволаш институтлари йўқ. Бу ерда гиёҳвандларни ё оммадан холи қилиш ё жиннихона ёки мамлакатда ягона бўлган ОИВ инфекциясини аниқлаш ва даволаш клиникаси кутиши мумкин, холос. Аммо, бу клиниканинг пойдеворини коррупция аллақачон емириб бўлган. Бу клиникага жойлашиш учун ё мустаҳкам таянч ёки катта пул керак.

Хўжандлик Муртазо гиёҳванд эмасди. У бўёқчи, касбини жуда севарди. Аммо, Муртазонинг ўз ОИВ тарихи бор. Дуч келган одамларникида бўёқчилик қилиб, топган пулининг бошини кетига етказолмай, ярим оч, ярим яланғоч яшаш обдон жонига теккач, дурустроқ даромад илинжида чет элга жўнади-ю, ОИВ инфекцияси балосига йўлиқди. Одам савдоси билан шуғулланувчилар қўлига тушиб, ҳужжатларидан айрилди. Оғир иш, тўйиб овқат емаслик, "ит ётиш, мирзо туриш" шароитида яшаш, хўрлик, зорлик...

– Кўп ичадиган бўлиб қолдим, – дейди Муртазо. – Оғир ҳаёт одамни ҳайвонга айлантириб қўяркан. Кўча тўла қаланғи-қасанғи аёллар. Бизнинг қаерда яшашимизни биладиганлари маош оладиган пайтимизни мўлжаллаб келишарди... Кўз олдингни туман қоплайди, нима қилаётганингни ўзинг ҳам билмайсан...

Муртазо уйига қайтгач, тинимсиз йўталадиган бўлиб қолди. Шу сабаб шифокорга кўриниб, ОИВ инфекциясини юқтирганини билди. Ўн мингдан зиёд тожикларнинг тарихи, тақдири шундай. Фақат Россиянинг ўзида икки ярим миллиондан кўп тожикистонлик меҳнат мигрантлари ишлаяпти. Уларнинг деярли ҳаммаси ОИВ/ОИТСни мутлақо тасаввур қилолмайдиган одамлар.

Кўплаб халқаро ташкилотлар Тожикистон ҳукумати эътиборини ОИВ/ОИТСни юқтирганлар муаммосига қаратишга уринди. Бутунжаҳон банки, UNAIDS ва Очиқ жамият институти, ОИТС, сил ва тери таносили касалликларига қарши кураш Бутунжаҳон фонди бир неча марта сўровнома ўтказиб, Тожикистон ҳукуматига юзага келган аҳвол ҳақида танқидий-таҳлилий маълумотлар ҳамда муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўлларини тавсия этди. Аммо, ҳукуматнинг аср вабоси тез тарқалиб бораётгани билан иши йўқ. Фақат қандайдир ҳомий ташкилот Тожикистонга пул бергандагина мудроқ кўзлар очилиб, нималардир қилинади.

Бир мисол. 2005 йилда Тожикистонда 506 та ОИВ расман рўйхатга олинди. Бироқ, маҳаллий экспертларнинг берган маълумотига кўра, ОИВ/ОИТС билан яшаётганлар 10 мингдан кўп эди. Касалларнинг 65 фоизи меҳнат мигрантлари эканлиги аниқланганди. Бутунжаҳон фонди ўша йили ОИВ/ОИТСга қарши курашиш учун Тожикистонга 10 миллион доллар ажратди. Соғлиқни сақлаш вазири Нусратулло Файзуллоев чекни қабул қилиб олар экан, аср вабосига чалинганларнинг 40 фоизи ёшлар, асосан гиёҳвандлар эканини маълум қилиб, бу 10 миллион доллар иммунал танқислик статистикасига катта ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаган эди.

2008 йилга келиб, ОИВ инфекциясига чалинганлар 1253 кишига етганлиги расмий эълон қилинди. Демак, ўлим касаллиги камайиш ўрнига 2,5 баравар кўпайган экан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги инсоф нуқтаи назаридан грант маблағлар нимага ва қандай сарфланганини айтиб берсалар бўларди. Тожикистон парламенти қуйи палатаси вице-спикери Шижоат Ҳасанова касаллик сабаблари ҳақида гапирар экан, гиёҳвандлардан ташқари меҳнат мигрантлари ва маҳбуслар ҳам ОИВ/ОИТС тарқатувчилари эканлигини тан олишга мажбур бўлди. Ҳукумат ОИВ инфекциясини юқтирган ҳомиладор аёлларни даволаш учун яна грант маблағлари олди.

2010 йилда одамлар орасидаги гиёҳвандларни ажрата билиш учун махсус билимга эга бўлишнинг ҳожати қолмади. Улар худди пашша ва сувараклардек кундалик турмуш унсурларига айланди. Энг ачинарли жиҳати шундаки, бу аср вабосининг тарқалишига қарши ҳеч ким курашмай қўйди. Энди ажал вирусини тарқатувчилар ёшларимизни нобуд қилишаяпти, болаларимизга даҳшатли таҳдид солишаяпти.

Кейинги йигирма йилдан бери ҳукм суриб келаётган қашшоқлик мамлакат аҳолисининг ярмини дарбадарликка маҳкум этди. Шу ярим халқ тириклик нонини узоқ ва совуқ кенгликлардан излаяпти. Улар арзимаган даромад билан бирга мамлакатга бедаво дард олиб келишаяпти. Лўнда қилиб айтганда, гиёҳвандлар ва меҳнат мигрантлари армиялари биргалашиб, Тожикистон генофондини ўлим жари ёқасига келтириб қўйди.

Яқинда қўшним бир автобус бекатида юз берган ғалати воқеа ҳақида гапириб берди. ОИТСга чалинган бир гиёҳванд "Нима учун мен ўлишим кераг-у, сен ўлмаслигинг керак?!" дея бақириб, шприцдаги ўз қонини мутлақо бегона одам устига сепиб юборибди. Хўш, буёғига қандай яшаш мумкин? Ёки 20 минг яҳудий сингари тарихий Ватанга кўчиб бориш керакми? Яҳудийларни-ку, ўз Ватанлари бор экан, аммо, бошқа миллат вакиллари нима қилишсин? Улар ҳам яхши одамлар, бироқ кўчиб борадиган ўзга Ватанлари йўқ.

Бутунжаҳон банкининг тахминий ҳисоб-китобига кўра, шу ўн йилликнинг охирига бориб, Тожикистонда ОИВ инфекциясини юқтирганлар 24 баравар кўпайиши мумкин экан. Бу 2020 йилга бориб, 8 миллион аҳолининг ярим миллиони ажал уруғини юқтириб олган деганидир. Бунинг устига президент Имомали Раҳмон ва унинг ҳукуматининг ўз халқига муносабати (ёки муносабатсизлиги) шундай давом этаверса, банк айтган ҳаёт тарзига етиб келишимиз ҳеч гап эмас. Республиканинг мудроқ раҳбарлари кўзини очиш ва ҳаракатга келтириш учун ҳар бирини инъекция қилиш зарур. Токи, улар ўзларини ўлимга маҳкум одам қиёфасида кўрсинлар. Худди биз, Тожикистон халқидек.

**Михаил КАЛАНТАРОВ.**
Центр Азия – www.centrasia.ru.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**


# ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ!

IPOTEKA BANK

# ИПОТЕКА-БАНК

## «2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили муносабати билан






- Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси
- Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси
- Энг яхши ёш тадбиркор
- Энг яхши аёл тадбиркор

**номинациялари бўйича имтиёзли кредитлар ажратиш танловини эълон қилади.**

Ушбу танлов ғолибларининг ҳар бирига пуллик мукофот берилиб, уларнинг лойиҳалари имтиёзли шартлар асосида Ипотека-банк томонидан молиялаштирилади.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2011 йилнинг 20 февралига қадар, Ипотека-банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

**Қўшимча маълумотлар учун Ипотека-банкнинг Тошкент вилоятидаги қуйидаги филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин:**

| Филиаллар | Телефон рақами |
|---|---|
| Тошкент вилоят филиали | (371) 150-46-77, 150-46-74 |
| Олмалиқ филиали | (370) 150-65-25, 150-65-14 |
| Ангрен филиали | (370) 150-20-61, 150-20-64 |
| Чирчиқ филиали | (370) 150-36-71, 150-36-69 |
| Оҳангарон филиали | (370) 150-40-52, 150-40-55 |
| Бекобод филиали | (370) 150-45-21, 150-45-23 |
| Чиноз филиали | (370) 150-10-81 |

**Бош офис телефон рақамлари:**
**(371) 150-30-06,**
**(371) 150-98-26,**
**(371) 150-98-27.**

*Банклар – тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!*


## ТАДБИРКОРЛАР, ҲУНАРМАНД ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти совринни учун ўтказилаётган «Ташаббус – 2011» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи 2011 йил 11 март куни соат 10.00 да Қумовулдаги Вилоят маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтади.**

**«ТАШАББУС»ГА МАРҲАМАТ!**

*Ташкилий қўмита.*

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Хумсон кўчаси, 4-уйга тегишли Тлавбердиева Гулжан Худояровна номига берилган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"PIONER AGRO EXPORT" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 301745259, ХХТУТ 81100) устав фонди 3 116 468 377 (уч миллиард бир юз ўн олти миллион тўрт юз олтмиш саккиз минг уч юз етмиш етти) сўм 56 тийиндан 973 472 322 (тўққиз юз етмиш уч миллион тўрт юз етмиш икки минг уч юз йигирма икки) сўм 78 тийинга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: (99898) 366-34-54.

ООО "INTEL ELECTRONICS GROUP" (ИНН 301537255, ОКПО 23176405), зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзарский р-н, ул. Катартал, 60, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 1 от 15.02.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 765-11-66.

ООО "DAR-TRANS-SERVIS" (ИНН 300976519), зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Проектная 1-А., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя № 1 от 25.01.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 216-29-65.

**"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига такроран Юқоричирчиқ туман СИБ томонидан, 20.09.2009 й., 20.12.2009 й. ва 22.01.2010 йилдаги ижро ҳужжатларига асосан, Юқоричирчиқ тумани, Бордонкўл қ.ф.й., Бирлик кўчасида жойлашган, умумий майдони 16643,61 кв.м. ўқув-машқ маркази (учебный центр) ва ушбу ҳудуддаги кўчмас мулк бинолари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 675 898 797 сўм.

II. Аукцион савдосига такроран Бекобод тумани СИБ томонидан, Бекобод тумани Ёшлик ХХСКда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Камаз-5511" русумли, д/р 11AQ998 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.10.2009 й., №8520. Бошланғич баҳоси – 10 199 682 сўм. 2. "Ваз-2103" русумли, д/р 11U7993 бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.12.2009 й., №9668. Бошланғич баҳоси – 1 418 904 сўм. 3. "Ваз-2103" русумли, д/р 11X9816 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.12.2009 й., №9667. Бошланғич баҳоси – 2 073 782 сўм. 4. "Опель Омега" русумли, д/р 30W5138 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.06.2009 й., №5855. Бошланғич баҳоси – 2 045 884 сўм. 5. "Ниссан Микра" русумли, д/р A513VUM бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.10.2009 й., №7970. Бошланғич баҳоси – 1 647 586 сўм. 6. "DAIHATSU" русумли, д/р X714NLM бўлган, 1993 йилда и/ч., автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.07.2010 й. №11778. Бошланғич баҳоси – 3 839 026 сўм.

III. Аукцион савдосига такроран Ангрен шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Ангрен шаҳар судининг 02.08.2010 й., №1-399/2010 ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 2/2-даҳа, 26-уйда жойлашган 2 хонали, 26-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 4 453 600 сўм.

IV. Аукцион савдосига такроран Чиноз тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 24.06.2010 йилдаги 2-42/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Чиноз шаҳри маркази "Чиноз деҳқон бозори" рўпарасида жойлашган "Чиноз Наврўз Барака Сервиз" МЧЖга тегишли бўлган, 2 қаватли "Наврўз" тўйхонаси, комплекс мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 381 526 335 сўм. 2. Чиноз шаҳри маркази "Чиноз деҳқон бозори" рўпарасида жойлашган "Чиноз Наврўз Барака Сервиз" МЧЖга тегишли бўлган, "Наврўз" тўйхонаси, комплекс мажмуаси ичидаги асбоб-ускуналар, техникалар, қурилмалар ва ундаги мол-мулклар (кондиционер, телевизор, стол-стул, ишлаб чиқариш техникалари ва ҳ.к.). Бошланғич баҳоси – 122 063 920,2 сўм.

3. "Чиноз Автотулпори" МЧЖга тегишли, "Vita Spring" ХК ҳовлисида сақланаётган: 1) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY014 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 2) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY026 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 3) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY027 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 4) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY018 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 5) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY023 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 6) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY019 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 7) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY024 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 8) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY025 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 9) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY021 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 10) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY015 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 11) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY022 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 12) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY020 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 13) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY013 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 14) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY017 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 15) "Мидибус SAZ NP37 Исузу" русумли д/р 11AY016 бўлган, 2007 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 16) "Исузу SAZ NP 37" русумли д/р 11AY532 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 17) "Исузу SAZ NP 37" русумли д/р 11AY534 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 18) "Исузу SAZ NP 37" русумли д/р 11AY536 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 19) "Исузу SAZ NP 37" русумли д/р 11AY533 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 20) "Исузу SAZ NP 37" русумли д/р 11AY535 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 36 769 255,2 сўм; 21) "Мидибус M-29,12" русумли д/р 11AQ150 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 22 470 100,2 сўм; 22) "Мидибус M-29,9" русумли д/р 11AJ901 бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 24 512 836,5 сўм; 23) "Мидибус M-24,9" русумли д/р 11AJ916 бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 26 555 573,7 сўм; 24) "Мидибус M-24,9" русумли д/р 11AJ904 бўлган, 2002 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 26 555 573,7 сўм; 25) Мидибус "UZotoyol" M-24,9 русумли д/р 11AQ282 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 26 555 573,7 сўм; 26) "DLQ-5047GJY" русумли д/р 10 185BAA бўлган, 2009 йилда и/ч бензовоз. Бошланғич баҳоси – 19 512 702,6 сўм.

4. "Чиноз Оқ Той" МЧЖга тегишли, Чиноз тумани, Чиноз қўрғонида сақланаётган: 1) "Мидибус M-23,9" русумли д/р 11AQ156 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 14 725 995,3 сўм; 2) "Мидибус M-23,9" русумли д/р 11AQ276 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 16 829 699,3 сўм; 3) "Мидибус M-23,9" русумли д/р 11AQ152 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 18 933 424,2 сўм; 4) "Мидибус M-23,9" русумли д/р 11AQ346 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 20 616 393,6 сўм; 5) "Мидибус M-23,9" русумли д/р 11AQ155 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 22 907 104 сўм; 6) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AV597 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 38 408 321,7 сўм; 7) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AV591 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 38 408 321,7 сўм; 8) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AV587 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 38 408 321,7 сўм; 9) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AY590 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 38 849 796,9 сўм; 10) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AV588 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 38 849 796,9 сўм; 11) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AV600 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 38 849 796,9 сўм; 12) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AV599 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 38 849 796,9 сўм; 13) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AV596 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 39 291 272,1 сўм; 14) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AV598 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 40 174 222,5 сўм; 15) "Исузу SAZ NP 21" русумли д/р 11AY589 бўлган, 2008 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 39 732 747,3 сўм; 16) "Dong Feng DFL 3251A" русумли д/р 11AV557 бўлган, 2007 йилда и/ч самосвал. Бошланғич баҳоси – 97 584 300 сўм; 17) "Dong Feng DFL 3310A" русумли д/р 11AV558 бўлган, 2007 йилда и/ч самосвал. Бошланғич баҳоси – 97 584 300 сўм; 18) "Dong Feng DFL 3251A" русумли д/р 10125BAA бўлган, 2008 йилда и/ч самосвал. Бошланғич баҳоси – 109 064 896,2 сўм; 19) "ЧЖУНЦЗЕ XZL5050GSS" русумли д/р 10236AAA бўлган, 2007 йилда и/ч водовоз махсус (цистерна). Бошланғич баҳоси – 27 903 949,2 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 3 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.


# ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

**2011 йил мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки тадбиркорлар ўртасида "Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" танловини эълон қилади.**

Танлов мулкчилик шаклидан қатъи назар, банкнинг микромолиявий (микрокредит ва микролизинг) хизматларидан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини ўрганиш асосида ташкил этилади.

"Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" танловидаги лойиҳаларни баҳолашнинг асосий мезони лойиҳанинг ушбу туманда долзарблиги ҳамда аҳолини иш билан таъминлашдаги ўрни ҳисобланади.

Танловда 2011 йил 1 январдан бошлаб банк филиалларига тақдим этилган республиканинг чекка ҳудуди ва қишлоқларида фаровонлик мақсадларида амалга оширилаётган лойиҳалар иштирок этади.

Танлов учта босқичда: туман, вилоят ва республика босқичларида амалга оширилади. Туман босқичи 2011 йил ноябрь ойининг 5 санасига қадар, вилоят босқичи 2011 йил ноябрь ойининг 10 санасига қадар, республика босқичи ноябрь ойининг 25 санасига қадар ўтказилади.

**Ҳурматли тадбиркорлар! Ҳудуд ва қишлоғингиз фаровонлиги йўлида яратган лойиҳаларингизни биз билан ҳамкорликда амалга оширинг ва банкнинг қимматбаҳо совғаларини қўлга киритинг!**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй.**


«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

**ТОШКЕНТ ВОҲАСИ – АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ**

# МЕҲР ЧЎҒИДАН РАНГ ОЛГАН ГУЛ



Оҳангарон водийси беҳисоб қадимий ёдгорликлару муқаддас қадамжоларни ўз бағрида асраб келади. Ўтмиш замонлардаги кон ва устахоналар, муқаддас сарчашмалар, "нафас олувчи" тош қотмалар, "куйловчи" дарахтлар, тарихи узоқ асрларга бориб тақалувчи ғорлар... Булар бизлар учун кўҳна тарих, маънавий бойлик, Ҳаёт дея аталмиш битмас-туганмас буюк манба бўлиб келган ва шундай қолаверади.

Ўрта асрларда нафақат ўнлаб, балки юзлаб қазилма конлар кўплаб ҳукмдор ва сайёҳлар диққатини ўзига қаратди. Қадимда конлар қудратли кучга эга жой ҳисобланган: Самовий куч унга илтифот кўрсатган, Ер қувват бағишлаб турган. Шу боис бу жойлар муқаддас деб эълон қилинган. Одамлар конларнинг ғайритабиий кучга эгалигига ишонганлар ва бунда муайян даражада ҳақиқат бор. Қимматли тошлар ва металл рудаларнинг ўзига хос хусусиятлари шу кўҳна конлар сувини истеъмол қилган одамларга таъсир кўрсатган.

Геолог О. Гвоздицкий 1928 йилда қадимий Шовғоз конини топди. Академик Ю. Буряков бу воқеани ёзма ишларида қайд этди. Бу ердан топилган кон қазилмалари орасида мис ҳам бўлган.

Академик М. Массон 1934 йилда шу жойларда иш олиб борди. Юзлаб ноёб ёдгорликлар қаторида Айритом, Суйритепа, Теловтепа каби қадимий ёдгорликлар ҳам рўйхатга киритилди.

Чотқол-Қурама археология отряди 60-йилларда туманда тадқиқот ишларини олиб борди. Бугунги кунда олимларнинг кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлари туфайли биз бу қадимий замин сир-синоатларини билиш ва ўрганиш имкониятига эгамиз.

Мана бир неча асрки, майитлар қўйиладиган қадимий қўрғон ҳисобланувчи улкан тепаликлар этагидаги Шовғоз қишлоғида дафн этилган Хожа Элсурхота қабри қадрлаб келинади. Тожикистоннинг Хожакентидан бўлган табаррук зот бу ерларда қандай қилиб пайдо бўлиб қолганлиги ҳақидаги ривоят ҳам ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Хожа Элсурхота Нақшбандия сулийлик тариқати вакили бўлган. Одамларни раҳмшафқатли бўлишга, Она ерни севишга ўргатган. Энг муҳими – ҳалол меҳнатга даъват этган. Зеро, Нақшбандия тариқатининг шиори шундай: "Қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин".

Ўзаро ички урушлар туфайли барча суфий устозлар хавф-хатарда қолганларида Хожа Элсурхота ўз биродарлари билан Шовғозга келади ва бу гўзал масканни ёқтириб, яшаб қолади. Улар беш суфийлар эдилар. Бу жойда узоқ йиллар яшаб, Илоқ водийсига тинчлик ва ободлик бахш этдилар.

Кексаларнинг айтишларига қараганда, Элсурхота ноёб иқтидор эгаси эди. Унинг қўлида доимо ҳеч сўнмайдиган оловдек қизил гул бўлган. Шу оловранг гул билан беморларни даволаган, воқеа-ҳодисаларни олдиндан айтиб бера олган.

Бу табаррук инсон келиши билан тоғ тошлари орасидан булоқ қайнаб чиқди. Бу сув жуда ноёб ва шифобахш эди. Яна айтишларича, бу жойларда баҳайбат илон ҳам бўлган экан ва у ҳозир ҳам баланд тоғ тепасида яшаётган эмиш. Ривоятга кўра, ўша жойда чуқур ғор бўлиб, буюк Амир Темур беҳисоб жавоҳирларни кўмиб қўйганмиш.

Буларнинг рост ёки ёлғон эканлигининг аҳамияти йўқ энди. Ҳозир бу жойларнинг бетакрор жавоҳирлари муқаддас мозор ва қабристонлардир. Ва, албатта, аллақачонлар Она табиатнинг хоҳиш-иродаси билан яралган қазилма конлар ҳам қадим тарихдан ёдгорлик бўлиб қолган бебаҳо меросдир.

Одамлар бу тарихий масканни авайлаб-асрашаяпти. Зиёратчилар бу муқаддас жойларга кўплаб одамларга касб-ҳунар ва энг муҳими, уларни фақат ўз ҳалол меҳнати ҳисобига яшашни ўргатган буюк устозлар хотирасини ёдга олиш ва улуғлаш учун қадам ранжида қилишади. Зеро, Она заминни яшнатиш, Ватанни гуллатиш ва халқ турмушини фаровон қилиш учун сидқидилдан меҳнат қилиш ўша буюк зотлардан қолган хайрли удумдир.

Бу табаррук жойда чўғдек қизил гулли одам илк бор пайдо бўлганидан буён кўп асрлар ўтди. Унинг хотираси эса ҳамон тирик. Ахир у бу жойларни ақлу заковат, илму билим масканига айлантирди.

Бу муқаддас ердаги ҳар сиқим тупроқ, ҳар бир гиёҳ ва жонзот ҳаёт ва муҳаббат қудрати билан суғорилган. Шўх, тезоқар Шовғозсойнинг шовқинига қарамай, бу маъво доимо тинч, сокин. Осмон тоза, тиниқ. Қалблар беғубор, осойишта.

Узоқ аждодимиз, оловранг қизил гулни ҳеч қўлидан қўймайдиган Хожа Элсурхота бизни айнан шунга – қалб поклиги ва хотиржамлигига ўргатган эди.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

**ҲАЁТ САБОҚЛАРИ**

# КЎНГИЛ

Суянчиғи, кўз нури-ю, кўнгил мадори онаси экан. У вафот этди-ю, улкан қоя қулаб тушгандай бўлди Солиҳнинг назарида. Бекас эмас, меҳрибонлари кўп. Шундай бўлса-да, онанинг ўрни бошқа экан. Ўзини аллақандай ҳимоясиз, ғариб, ожиз ҳис этаяпти энди. Бирон дардкаши бўлсайди...

Шунда институтда бирга ўқиган курсдоши, яқин дўсти Баҳром жонланди кўз олдида. Онасининг "тошкентлик ўғли". Дарвоқе, у нега кўринмади? Тузукмикин ўзи?

Уч кун олдин Самарқанддан Шомурод келди. У ҳам собиқ сабоқдош, ҳозир мактабда ўқитувчи. Узоқ жойдан, иссиқ кунда келибди-я, азамат. Бу гал ёлғиз эмас, турмуш ўртоғи ҳамроҳ бўлиб келибди.

– Курсдошлардан кимлар келишди? – Шомурод хаёлга ботган азадор дўстининг жавобини кутмай яна сўради: – Баҳром келдими?

– Баҳром... – салмоқланди Солиҳ. – У, афтидан, бехабар.

– Бехабар?

Солиҳ нигоҳини олиб қочди. Ўртоғининг: "Тўрт кун ўтибди-ю, хабарим йўқ, телефон ҳам қилмадинг, а?" деган гапи эсига тушди. Хижолат тортди.

– Ҳа, бехабар бўлса керак.

– Йўқ, хабари бор, – деди Шомурод. – Ўзим қўнғироқ қилувдим унга. Руқия холамни эшитиб, жуда хафа бўлди. Яхши кўрардим, деди афсусланиб.

Солиҳнинг кўнгли бўшашиб, кўзлари ёшланди.

– Аямлар ҳам яхши кўрардилар Баҳромни.

– Ҳамма ишларини бир четга суриб, тезда фотиҳага келишини айтганди. Келмагани қизиқ...

Шомурод ўйланиб қолди.

Солиҳнинг юрагига ҳам хавотирлик чанг солди. "Ҳа, унга бир гап бўлган. Нимадир бўлганки, келмади..."

Раҳматлик Руқия ая ўғли билан Миндонга келиб турадиган шаҳарлик Баҳромга меҳр қўйган, уни ҳам ўз боласи ўрнида кўрарди. Келганида "Шаҳарлик ўғлим!" дея қучоқ очиб пешвоз чиқар, қайтаётганида қўлига мажбурлаб совға-саломлар тутқазарди.

Йигитлар ўқишни битиришди. Қишлоғига қайтган Солиҳ ўқитувчиликнинг этагини тутган бўлса, институтда қолган Баҳром илмий фаолиятни бошлаб юборди. Ўтган йили қандайдир материал излаб, у Миндонга, дўстини сўроқлаб келувди. Солиҳдан ҳам унинг онаси кўпроқ севиниб кетди: "Вой, болам келди! Шаҳарлик болам, олим болам!!"

Солиҳ "олим" дўстининг оёғи остига бир қора қўчқорни ағдарди.

– Ойингизниям бир олиб келинг, – деди Руқия ая шаҳарлик ўғлини кузатаётганида. Аммо, бевақт ўлим орага кириб, Баҳромга онаси билан бирга Миндонга келиш насиб қилмади.

Газетада босилган таъзиянома сабаб, дўстининг бошига тушган мусибатдан хабар топган Солиҳ бу гапни бемор бўлиб ётган онасидан яширолмади. Руқия ая хунук хабарни эшитди-ю:

– Баҳромнинг онаси? – дея шашт билан бошини кўтарди. Онасининг бу ҳолатини кўриб, Солиҳ эсанкираб қолди.

– Ая, сизга нима бўлди?

– Ёшмиди? – изтиробга тушди Руқия ая.

Солиҳ "билмасам, кўрмагандим", демоқчи эди-ю, тили бормади. Хаёлчан оғиз очди:

– Олтмишлардамиди, раҳматлик.

– О, олтмиш, дегин? – ая афсусланиб, бошини сарак-сарак қилди. Солиҳ яна ўзини койиди: "Етмишдан, саксондан ошган, демайсанми, нодон!"

– Тура қол бўлмаса, ҳозирлик кўравер.

– Ҳозирлик?

– Нима, фотиҳага бормайсанми?

Солиҳ тараддудланиб қолди.

– Албатта, бориш керак, лекин сиз...

– Менинг ташвишимни қилма. Ёлғиз қолармидим? Келин бор, Худога шукр... – ая бир зум сукутга ботди. Сўнг хаёлчан қўшиб қўйди: – Бировнинг боргани билан ўлган тирилмайди, лекин яқинларининг кўзлари эшикда бўлади, болам. Бошига тушган билади бундай кунни. Аҳ, ўртоғинг Баҳром... У бечорага қийин бўлибди-да...

Ўзини беихтиёр Тошкентда тасаввур эта бошлаган Солиҳнинг вужудини аллақандай ширин ҳузур ва соғинчга ўхшаш бир туйғу қамраб олган эди. "Нима аҳволда экан у? Ҳа, бу оғир жудолик. Тезда унинг ёнида бўлишим, кўнглини кўтаришим керак. Айтмоқчи... билмайман-ку, ҳовлисини? Бормаган бўлсам. Шуни биламанки, уйи Чилонзорнинг Оқтепасида. Ҳеч қиси йўқ, топарман. Манзилини ёзиб берганди-ку..."

Кетаётганида "менинг ҳамдардлигимниям айт" дея Руқия ая кўзига ёш олди. Солиҳ дўстининг уйини топиб борди. У онаси номидан ҳам таъзия билдирмоқчи эди, қулай фурсат тополмай, гапи оғзида қолди. Баҳромнинг хаёли бевақт кетган онасидамас, илмий ва тижорат ишлари билан банд эди. Юзларида ҳам қувонч: "Ўртоғингни ишлари юришяпти, Солиҳ. Доктор бўлади у ҳадемай!" деди мағрур оҳангда.

Солиҳ Миндонга қайтиб: "Олим ўғлингиз сўраб қўйди" деган эди, Руқия ая ҳаяжонланди: "Бечора, болам-э! Юрак-бағри қондур онасини ўйлаб? Ўлим ҳақ экан-да, болам. Куни келиб кетмасликка илож йўқ. Ишқилиб, ўзи тузукми?"

...Тақдир амри экан, мана, ўз онаси ҳам дунёни тарк этди. Солиҳ тасаввур қилганидан ҳам қаттиқроқ экан бу кўргилик. Бошига тушган биларкан-да! Онасининг "Ким келди, ким келмади, албатта, ҳисоб-китоби бўлади" мазмунидаги гапи Солиҳнинг хаёлидан кечди. Тўғри айтар экан... "Лекин нимадир бўлганга ўхшайди Баҳромга, бўлмаса келмасмиди?!"

Машинанинг сал нарироқда бир гуриллаб тўхташи Солиҳнинг паришон хаёлларини тарқатди: "Ана, келишяпти!" Уч-тўрт киши машинадан тушди. У таниш чеҳрани кўриб, сапчиб ўрнидан турди: "Баҳром!"

Ўпкаси тўлиб, дилида хитоб қилди: "Она, ўғлингиз! Шаҳарлик ўғлингиз келди, Олим ўғлингиз..."

Одамлар яқинлашди. Уларга тузукроқ разм солган Солиҳ янглишганини англади – у бошқа, бутунлай бегона одам экан. Аммо Баҳромга жуда ўхшаркан.

Солиҳ бўшашиб кетди. Алам-изтиробни босишга уриниб, шоша-пиша кўзёшларини артди.

**Муҳаммад ШОДИЕВ.**

**ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА!**

# СТАДИОНГА ҲЕЧ КИРГАНМИСИЗ?

Ўйингоҳнинг олд томони кўриниши ва футбол майдонининг ҳамон ям-яшиллигига келсак, бунинг учун туман халқ таълими бўлимига қарашли футболга ихтисослашган болалар спорт мактаби раҳбарларига раҳмат айтиш жоиз. Мактаб директори Маҳмуд Миржамоловнинг айтишича, улар доимий машғулотларни ўтказиш учун ўйингоҳдан фойдаланиб туришибди. Шу боис у ёқ-бу ёқни супуриб-сидириб дегандек, керак бўлса таъмирлаб, шуваб-бўяб қарашаяпти.

– Марказий ўйингоҳ туман ҳокимлиги тасарруфида, – дейди Маҳмуд Миржамолов. – Биз шу ўйингоҳни мактабимиз балансига ўтказиб беришни сўраб, январь ойида туман ҳокимлигига хат йўллаган эдик. Негадир шу пайтгача жимжитлик.

Ўйингоҳни спорт мактаби балансига ўтказса тўғри бўладими ёки йўқми, бу алоҳида масала. Аммо, биз ўша хат тақдири билан қизиқиб кўрдик. Хат, табиийки, ҳокимликнинг қурилиш ишлари бўйича мутахассиси Бахтжон Эрмонов қўлига тушган. Ўзининг тан олишича, хат ҳали ҳаракатга келмаган. Ваҳоланки, бу муҳим хат аллақачон туман ҳокимининг қўлига етиб борган бўлиши керак эди. Қизиқ, бу мутахассис нимани кутаяпти?

Бизнинг шу мазмундаги саволимизга Б. Эрмонов "Вақтим бўлмаяпти, бошқа зарур ишлар билан банд-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ман" дея жавоб берди. Бўлса бордир. Аммо, бизнингча, спорт мактаби раҳбарларининг хати ҳам шунчаки эрмак учун ёзилмаган. Директорнинг айтишича, агар Марказий ўйингоҳ спорт мактаби балансига ўтказиб берилса, келажакда қандай қуриш ва таъмирлаш ишлари режалаштирилгани ўша хатда тўла баён этилган.

– Машғулотларни шу ерда ўтказиб турганимиз учун инсоф юзасидан ўйингоҳнинг у ер-бу ерига қараб, таъмирлаб туришга имкон даражасида ҳаракат қилаяпмиз, – дейди директор. – Ҳозиргача ўйингоҳ атрофига 208 туп арча кўчати экдик. Яна 5 минг дона терак қаламчаларини тайёрлаб, экишни бошлаяпмиз. Агар ўйингоҳни бизнинг балансимизга ўтказиб беришса, дарвозадан кираверишда сўл томонда бўш ётган жойга 20-40 метр ҳажмида янги ёпиқ спорт зали қурардик. Нураб ётган хоналарни қайта таъмирлаб, турли тўгараклар очиб, кўплаб болаларни жалб қилардик. Ўйингоҳнинг орқасида бўш ётган жойлар кўп. Уни режа билан тартибга келтириб, қўшимча машқ майдонларига айлантиришимиз мумкин. Энг ачинарлиси, спорт мухлисларига мўлжалланган ўриндиқлар ўтириб бўлмайдиган аҳволга келган. Тўғриси, оёқ қўядиган жой қолмаган, ўпирилиб битган. Ахир мусобақалар беш-ўн дақиқа эмас, соатлаб давом этади. Шунча вақт нафақат оёқни осилтириб ўтириш, балки буни тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Яна бир гап. Ўйингоҳдаги каттагина бинони "Ватанпарвар" ташкилотининг спорт-техника клуби эгаллаган. Бизнингча, бу клубнинг жойи эмас, уни ўзига мос бинога кўчириш жоиз. Шунда биз бу бинони таъмирлаб, спортчилар учун ётоқхона ё меҳмонхонага айлантирардик. Вилоятлардан илгаридагидек, республика мусобақаларига келган спортчилар учун бошқа жойдаги меҳмонхоналардан жой излаб юришга ҳожат қолмасди.

Биз спорт мактаби директорининг фикр-мулоҳазаларини эътироф ёки инкор этмоқчи эмасмиз. Зеро, гап моҳияти бунда эмас. Бизни бошқа масала ажаблантираяпти. Юртбошимиз муҳим давлат ишлари билан ўта банд бўлишларига қарамай, вақт топиб, спортнинг асосий турлари, айниқса футболни нафақат болалар ва ёшлар, балки каттаю-кичик аҳоли ўртасида кенг оммалаштириш мақсадида фармон ва қарорлар эълон қилиб, барча зарур шарт-шароитларни яратиб бераётган бир пайтда Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги нима қилаяпти? Давлатимиз раҳбарига таянч-суянч бўлиб, эътибору ғамхўрлигидан оқилона фойдаланиб, ўйингоҳларни кўпайтириш ва борларини тартибли сақлаш ўрнига тайёр Марказий ўйингоҳни харобага айлантирганини қандай сабаб билан оқлаш мумкин? Бу масалада ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ, аммо, масъулиятсизлик, ўзибўларчиликни оқлашга уриниш учун ҳар қанча баҳона бўлса топилади. Ташаббус кўрсатиб ишлашдан эринадиганларгина сабаб билан баҳонанинг фарқига бормай, ноқулай аҳволда қоладилар.

Пировардида республика Президентининг мамлакатда 2011-2013 йилларда футболни янада оммалаштириш ва моддий-техник базасини кенгайтиришга қаратилган қарори ҳамда вилоят ҳокимининг ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан эълон қилган фармойиши аллақачон кучга кириб, жойларда қизғин ишлар бошлаб юборилганини туман ҳокимлиги раҳбарларига яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**Еркебой БОТИРОВ (суратлар)**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**





**СУРАТЛАРДА:** ушбу манзарани кўриб, «эътиборсизлик ҳам эви билан-да», дегинг келади...

**БИЛАСИЗМИ?**

## ПУЛ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШМАЙДИ...

• Да Винчи номидаги институт пул дунёсидаги юзлаб янгиликларни ўрганиб, XX асрдаги кашфиётлар рўйхатини тузди. Кейинчалик бу жаҳон пул тизимига кучли таъсир ўтказди.

Савдо ва ўйин автоматлари, йўл чеклари каби айрим муҳим янгиликлар XIX асрда пайдо бўлгани боис кашфиётлар рўйхатига кирмай қолди.

• Электрон касса аппарати 1906 йилда жорий этилган. Аппаратни Чарльз Кеттеринг ихтиро қилди. Шунингдек, биринчи ўт олдириш электр тизимини, автомобиль двигателлари учун автомат стартерни ва двигатель воситасида ишлайдиган биринчи генераторни ҳам у кашф этганди.

• Биринчи зирҳли инкассатор автомобили 1920 йилда пайдо бўлди. У катта қийматдаги пулларни жойларга хавф-хатарсиз ташиш имконини берди.

**РАССОМ ХАНДАСИ**




*– Тавба, шамолда уч дона апельсин қолиб, бир килограммлик тош учиб кетди-я?!*


Частное предприятие "FAUSTO BIZNES" (ИНН 300025782), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента за № 002403-08 от 06.10.2006г. в соответствии с протоколом собрания учредителей № 2 от 14.02.2011г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: г. Ташкент, Чиланзар-2-39-42 или по тел.: 702-37-97.

2-Тошкент ҳуқуқшунослик коллежи томонидан 1999 йилда Рахимов Исломжон Самугович номига берилган № 292574 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 09.12.2010 йилда № 05-09962 рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган (ИНН 419437912) якка тартибдаги тадбиркор Аширов Абдуманнаб Каримовичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 29.09.2004 йилда № 000466-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 205234578) "DANEX-FARMA" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"FASAD TA`MIRLASH" (ИНН 203846427, ОКОНХ 62000 ) хусусий фирмаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига ўтаётганлигини маълум қилади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 341-А уйда ёки 337-69-76 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ООО "AVTO PLUS BEZAK" (ИНН 301069506, ОКПО 22674294, ОКОНХ 71280), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента за № 004510-10 от 18.02.2009г.,

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (согласно решения учредителя № 1 от 01.02.2011г.)

Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: г. Ташкент, Юнусабад-14-39-37 или по тел.: 342-30-08.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан якка тартибдаги тадбиркор Алиев Умарджан Иркиновичга 31.08.2005 йилда 136/08 рўйхат рақами билан, ЖШ № 016545 серияли бланкада расмийлаштирилиб берилган "Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси" йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Й. Охунбобоев номидаги тиббиёт коллежи (олдинги Й. Охунбобоев номли РМУ) томонидан 1987 йилда Соҳибова Шоира Саъдуллаевна номига берилган 923796 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП "SARDORBEK PLUS" (ИНН 206731458, ОКПО 21343497), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Ходжинова д. 37, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 1 от 15.02.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 187-22-00.

ЧП "ABDURAHMON TABARRUK" (ИНН 205770767), зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: м-в Бешкайрагоч, 21/1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 1 от 15.02.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 228-52-85.

Утерянный кадастр на здание 11-04-05-01-01-0146 (Чинни буюмларга безак бериш цехи биноси) по адресу: Зангиатинский р-н, Назарбек кфй, махалля Харакат, дом 46, на имя Акбаровой Мубарак Абдуллаевны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный план квартиры по адресу: Чиланзар-Д20А, д. 15 кв 402, выданный Чиланзарским БТИ на имя Ляшко Натальи Михайловны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ**
Навбатчи **Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 15953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1234